

## АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ИШ СИФАТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

*Қўшматов О.*

*ТДИУ Аудит кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада аудиторлик ташкилотлари иш фаолияти сифатини ташқи назоратдан ўтказиш амалиёти Ўзбекистон ва хориж мамлакатлари мисолида таҳлил қилинади. Ўзбекистонда ушбу масалада давлат бошқарув органлари устуворлиги белгиланган. Аудиторлик фаолиятини иш сифатини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси ва амалиётини ўрганиш натижасида тартибга солиш моделини ташкил этиш ва қуришнинг умумий тамойиллари, усуллари ва ёндашишлари аниқланди. Жаҳон амалиёти тажрибасидан хулоса қилиб аудиторлик фаолиятини иш сифатини ташқи назоратини тартибга солишда профессионал жамоат ташкилотлари муҳим рол ўйнаши лозимлигига таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар.** аудитор иш фаолияти сифати, ташқи сифат назорати, АХС, профессионал жамоат ташкилоти, халқаро бухгалтерлар федерацияси.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан иш сифати устидан назорат қилиш тамойиллари ва қоидаларини, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим. Бу эса аудитнинг ўтказилиши жараёнида текширишнинг умум белгиланган андозалари билан зиддиятларнинг юзага келмаслиги учун зарурдир. Аудиторлик ташкилотининг иш сифати назорати тизими қуйидагилардан иборат бўлиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари олиб борилиши аниқ бўлган текширув учун ҳамда аудитнинг умумий режасида акс эттирилиши лозим бўлган раҳбарни ва бош аудиторни олдиндан тасдиқланган бўлиши керак. Текширув раҳбари ва бош аудитор текширув иштирокчиларининг профессионал маҳоратини таҳлил қилиши ва ҳар бир иштирокчининг билим ва малакасида келиб чиққан ҳолда ишларини тақсимлаши зарур. Текширув раҳбари аудит жараёнида аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган иш сифати назорати воситаларини қўллашга мажбур. Бош аудитор ва текширув иштирокчиларига топширилган ҳар қандай ишлар шундай тарзда амалга оширилиши керакки, уни буюрган раҳбар ижрочиларнинг ана шу ишларга билим ва малакаларини

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

етарли эканлигига ишончи бўлсин. Шунингдек, бошқарув топшириқларини тайёрлашда умумий режа ва аудит ўтказишга сарфланадиган вақтни эътиборга олиш зарур. Ижрочиларга йўналтирилган топшириқларни етказишнинг асосий вазифаси аудит дастури ҳисобланади. Ижрочилар ишининг жорий назорати бошқарув топшириқлари ва бажарилган ишлар текшируви каби элементлардан иборат.

Жорий назоратни олиб боровчи профессионал ходимлар қуйидаги функцияларни бажаради:

- юклатилган топшириқларга ижрочиларнинг билим ва малакаси етарлилигини текширади;
- юклатилган топшириқларни ижрочиларга тушунарли эканлигини текширади;
- бажарилаётган ишлар аудитнинг умумий режаси ва дастурига мувофиқлигини аниқлайди;
- аудит жараёнида аниқланган, бухгалтерия ҳисоби ва аудит юзасидан келиб чиққан муаммоларни аниқлаш.

Бажарилган ишлар натижаларини текшириш ҳар бир ижрочи ва ходимлар томонидан амалга оширилади. Иш натижалари текширувини амалга оширувчи ходимлар текширилган иш ҳужжатларига ўзларининг имзолари ёки шартли белгиларини қўйишлари лозим. Зарур ҳолларда эса текширувчилар текширилиш ҳаракатларига баҳо, тавсия ёки изоҳлар бериши мумкин. Аудиторлик ташкилоти раҳбари бажарилган иш натижалари текширувини фақатгина аудит ўтказган гуруҳ ходимларига эмас, балки бошқа зарур малакага эга бўлган мутахассисларга ҳам топшириши мумкин. Аудиторлик ташкило-тидаги бундай мустақил ва параллел текширув, йирик ва мураккаб ҳўжалик юритувчи субъект аудити шароитида тавсия этилади.

## 1- жадвал

### Халқаро стандарт асосида сифат назоратини қоидалари

Стандарт қоидаси	Аудиторлик фаолиятининг қоидалари.
	Халқаро стандарт
Сифатни назорат қилиш тизимига қўйиладиган талаблар	Аудиторлик ташкилоти қабул қиладиган сифатни назорат қилиш сиёсатининг мақсади одатда қуйидагиларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"><li>* профессионал талаблар: аудиторлик ташкилоти ходимлари мустақиллик, ҳалоллик, ҳолислик, сир сарқлаш ва профессионал ахлоқ қоидаларига амал қилиши керак;</li><li>* кўникмалар ва билимдонлик – фирма ходимлари техник стандартларни яхши биладиган, ўз вазифаларини тегишлича ҳалол бажариш учун зарур профессионал билимга эга бўлган ходимлардан иборат бўлиши лозим;</li><li>* топшириқ бериш – аудиторлик иши ҳозирги шароитда зарур бўлган техникавий тайёргарлиги ва профессионал билими бўлган ходимларга топширилиши лозим;</li><li>* ваколат бериш – бажарилган ишлар сифати тегишли сифат стандартларига мос бўлишига ишончни таъминлаш учун барча даражаларда ишни етарлича йўналтириб туриш, ишларни назорат қилиш ва текшириш;</li><li>* маслаҳатлашиш -зарур ҳолларда фирманинг ўзида ва ундан ташқарида тегишли билими бор мутахассислар билан маслаҳатлашиш;</li><li>* мижозларни қабул қилиш ва сақлаб қолиш – бўлажак мижозларни мунтазам баҳолаб туриш ва мавжуд мижозларни таҳлил қилиш лозим. Мижозни қабул қилиш ёки у билан ҳам-корликни давом эт-тириш масаласини ҳал этиш чоғида фирманинг</li></ul>

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

	мустақиллиги, унинг тегишлича хизмат кўрсатиш қобилияти мулоҳазаларидан келиб чиқиш ва миқдор раҳбариятининг ҳалоллигига асосла-ниши лозим; * мониторинг – сифатини назорат қилиш сиёсатининг мослигини, оператив самарадорлигини мунтазам назорат қилиб бориши зарур; аудиторлик фирмаси сифатни назорат қилиш умумий сиёсати ва тадбирлари тушунарли бўлиши ва амалда қўлланилишига етарли ишончни таъ-минлаш учун уларни фирма ходимларига етказиш.
--	--

Жадвалдан кўриниб турибдики, халқаро стандартда у ҳал қиладиган вазифаларнинг рўйхати йўқ. Бироқ бу аудитнинг халқаро стандартларга хос хусусиятдир. Аудитнинг халқаро стандартда қайд қилинган мақсадлар билан бирга ошқора бажаралидиган вазифалардан энг муҳим бу аудитни амалга ошириш давомида аудиторлик ташкилотлари ходимларининг бурчларини аниқланишидан иборатдир. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш муддати узок эмаслигини ҳисобга олинса, бундай ташкилий жиҳатларнинг баён қилиниши ўзини тўла оқлайди. Аудиторлик ташкилотининг ўзида бу ишни ташкил этишга оид талаблар халқаро стандартларда баён қилинмаган.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 й. **ЎРҚ-677-сон** "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 10.11.2020 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 05.02.2021 й. маъқулланган)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2018 й. **ПҚ-3946-сон** "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.08.2021 й. **ПҚ-5210-сон** "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 й. **ПФ-60-сон** "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 11.04.2022 йилдаги **171-сон**
6. Молия вазирининг 24.09.2021 й. 56-сон "Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги Буйруғи (АВ томонидан 29.09.2021 й. **3321-сон** билан рўйхатга олинган)
7. Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари. Таржима *УБАМА* 2014.
8. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). [Хо‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatleri](#). *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 4 (2024), 754–759
9. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.
10. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
11. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // *Web of Scientist: International Scientific*

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

- Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
12. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
  13. U.K.Yakubov, G.S.Махмудова. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –Т.: “Nihol print”, 205 b.
  14. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
  15. Косимович, Я. У. (2024). Ташки савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
  16. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic\_Press*, 2(0002).
  17. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
  18. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
  19. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
  20. [Rozmatova Umida Yuldashevna. \(2024\). NOMODDIY AKTIVLAR AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. World Scientific Research Journal, 26\(3\), 177–184. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261](https://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261)
  21. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
  22. [Tulaev, M. \(2024\). T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. Nordic\\_Press, 2\(0002\).](https://www.nordicpress.com/index.php/npp/article/view/10002)
  23. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
  24. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ,13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>